

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**714** «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг  
тўлов қобилияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
ҳақида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш  
тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1806-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 1806, 2008 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 20-21-сон, 178-модда) муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 7 июль,  
97-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*